

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДОНИЁРОВ ТОШМАМАТ ОМОНОВИЧ

**ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАР СУВ-ТУЗ РЕЖИМИГА КИМЁВИЙ
МЕЛИОРАНТНИНГ ТАЪСИРИ ВА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ
ТЕХНИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Дониёров Тошмамат Омонович

Тақирсимон тупроқлар сув-туз режимига кимёвий мелиорантнинг таъсири ва ғўзани суғориш техникасини такомиллаштириш 3

Дониёров Тошмамат Омонович

Влияние химмелиоранта на водно-солевой режим такыровидных почв и совершенствование техники полива хлопчатника..... 21

Doniyorov Toshmamat Omonovich

Influence of chemical meliorant on the water-salt regime of takyr soils and improvement of cotton irrigation technique 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ДОНИЁРОВ ТОШМАМАТ ОМОНОВИЧ

**ТАҚИРСИМОН ТУПРОҚЛАР СУВ-ТУЗ РЕЖИМИГА КИМЁВИЙ
МЕЛИОРАНТНИНГ ТАЪСИРИ ВА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ
ТЕХНИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx495 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт инстит бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) веб-саҳифанинг www.psuyaiti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Авлакулов Мейли**
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

Расмий ошнөөнтлар: **Норкулов Усмонкул**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Шадманов Жамолиддин Казакджанович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx. 42.01 рақамли илмий кенгашнинг «27» 11 2020 йил соат 900 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru).

Диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (99 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» 11 да тарқатилди.
(2020 йил «13» 11 даги 7 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н.Нурматов,
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
раёв б. к.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
раёв б. к.х.ф.д., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
дошадан илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда шўрланишга учраган майдонларнинг умумий миқдори дунё бўйича 62 млн гектарни ташкил этади. Бу дунё миқёсида суғориладиган 310 млн. га суғориладиган ерлар майдонининг 20 фоизига тўғри келади. Ваҳоланки, 90-йилларнинг бошида дунёдаги жами шўрланган ерлар миқдори 45 млн. га эди. Бундан кўринадики, дунё мамлакатларининг суғориладиган ерларида иккиламчи шўрланиш жараёни жадал кечмоқда. Халқаро озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотига кўра суғориладиган ерларнинг 25 фоизи шўрланишга учраган бўлиб, уларнинг катта қисми Ўрта Осиё, Австралия, Жанубий Америка, шимолий Африка, Американинг ғарбидаги сахро ва ярим сахро тупроқларида тарқалган¹. Шу жумладан республикамиздаги 4,3 млн. га суғориладиган майдонларнинг 51 – 55 % қисми турли даражадаги шўрланган тупроқлар сирасига киради.

Дунё олимлари томонидан суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш муаммосини ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири – тежамкор суғориш технологияларини жорий қилиш, яъни суғориш усулларини такомиллаштириш, сув тежовчи технологияларни қўллаш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича муайян устувор илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибини ва уни амалга оширувчи сув тежамкор суғориш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш минтақада, жумладан республикамизнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланган шароитда, асосий кишлоқ хўжалиги экинларининг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш, тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий – тадқиқот ишларини олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”²да қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида республикамизда ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қўшимча сув манбаларини шакллантириш бўйича кенг камровли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сон Қарори ва 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга

¹www.fao.org/3/a-mo297r.pdf; www.fao.org/publications/search/ru/?agrovoc.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.

мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-6024-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур илмий – тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялари агентлигининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларини тупроқ сув-физик хоссаларига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш, шўрланган тупроқлар шароитида тузларнинг экинларга салбий таъсирини камайтиришда кимёвий мелиорантлардан фойдаланиш, тупроқнинг сув-физик хоссаларига, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва унинг сифатига тупроқ мелиоратив ҳолатининг таъсирини ўрганиш бўйича республикамизда Н.Ф.Беспалов, В.Е.Еременко, М.П.Меднис, С.Н.Рыжов, С.А.Гильдиев, Қ.М.Мирзажонов, А.Е.Нерозин, А.Э.Авлиякулов, Г.А.Безбородов, Р.К.Икрамов, М.Х.Хамидов, Р.А.Ахмедов, Ф.М.Саттаров, Б.Ф.Камбаров, Б.Мамбетназаров, М.Авлакулов, С.Х.Исаев, Т.Ражабов, М.Маҳмудов, М.Ҳасанов, Ю.Эсанбеков ҳамда хорижда Richards L.A., Sardo V., Snith T.R., Bretherton F.R., D.Balla, S.Maasen, Andersson J. Wedding B, Toderski K, Keinzler K.M, Qureshi A.S. каби таниқли олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Шунга қарамасдан Қарши чўлининг ўртача шўрланган, оғир қумоқ ва тақирсимон тупроқлари шароитида кимёвий мелиорантлардан фойдаланиш, ғўзанинг илмий асосланган суғориш техникасини ва уларни амалга оширувчи ер устидан суғориш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий – тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ОИД-1-14 «Қашқадарё вилояти суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрланишга қарши самарали усулларни жорий этиш» (2008 – 2010 йй.) инновацион лойиҳа ҳамда ВА-ҚХ-5-003 “Қишлоқ хўжалиги экинларини эгатлаб суғоришда тупроқ-грунт намланиши жараёнлари динамикаси қонуниятлари” (2017 – 2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қарши чўлининг ўртача даражада шўрланган, оғир механик таркибли ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ғўзанинг суғориш техникасини такомиллаштириш, тупроқнинг сув-туз тартибига SPERSAL кимёвий мелиорантнинг таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллашнинг тупроқнинг сув-физик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

турли суғориш меъёрлари ва SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллаш-

нинг тупроқ сув-туз режимига таъсирини ўрганиш;

тақирсимон тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда кимёвий мелиорантларни қўллашнинг сувдан фойдаланиш самарадорлигига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш;

суғориш техникаси ва SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллашда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

ғўзанинг мақбул суғориш технологиялари ва тупроқ сув-туз тартибини ростлаш бўйича амалга оширилган усулларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Қарши чўлининг оғир механик таркибли, ўртача шўрланган тақирсимон тупроқлари, SPERSAL кимёвий мелиоранти, ғўзанинг “Бухоро-6” нави.

Тадқиқотнинг предмети эгатлаб суғориш технологиялари, ғўзани суғориш тартиби ва сув истеъмоли, тупроқнинг сув-физик хоссалари, сув-туз тартибининг ўзгариши, суғоришнинг турли меъёрларида SPERSAL кимёвий мелиорантининг тупроқдан тузнинг ювилиш самарадорлиги ва ушбу усулларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала, лаборатория тадқиқотлари, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007 йил), “Методы агрохимических-агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида бажарилди.

Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умум қабул қилинган Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услуби ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллашнинг тупроқнинг сув-физик хоссаларига таъсири аниқланган;

турли суғориш меъёрлари ва SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллашнинг тупроқ сув-туз режимига таъсири аниқланган;

тақирсимон тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда кимёвий мелиорантларни қўллашнинг сувдан фойдаланиш самарадорлигига таъсири аниқланган;

суғориш техникаси ва SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллашда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

ғўзанинг мақбул суғориш технологиялари ва тупроқ сув-туз тартибини ростлаш бўйича амалга оширилган усулларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Қашқадарё вилоятининг тақирсимон, оғир механик таркибли ва шўрланган тупроқлари ўзининг мелио-ратив хусусиятларига кўра Қарши чули жанубий-шарқий қисмининг 56% майдонини ташкил этиши статистик таҳлил асосида аниқланди. Ушбу шароитда илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламида қониқарли сув-туз тартибини ҳосил қилиш учун SPERSAL кимёвий мелиорантини 5 кг/га миқдорида қўллаб, суғориш

меъерини 25, 50 фоизга ошириш натижасида тупроқ профилидаги зарарли тузларнинг умумий миқдори 2,4 – 2,5 марта, хлор-иони – 2,3 – 2,6 марта, натрий ва калий миқдори эса 0,83 – 1,81 мартага камайи-ши аниқланган;

ғўза ҳосилдорлигининг ошиши билан 1 центнер ҳосилни етиштириш учун сарфланган сув миқдори камайиб боради. Шунга кўра тажриба вариантлари бўйича уч йил давомида пахта ҳосили 27,8 – 45,5 ц/га ни ташкил этиб, 1 центнер ҳосил учун сарфланган сув миқдори ҳам 130,5 – 139,0 м³/ц ни ташкил қилганлиги аниқланган;

мақбул суғориш меъёри эгат усти плёнка билан қопланиб, 5 кг/га меъёрда SPERSAL кимёвий мелиорантини қўллаш ва ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибида 50 фоиз юқори меъёрида 4 марта суғорганда мавсумий суғориш учун 590 – 880 м³/га кам сув сарфланган;

ғўза парваришида 5 кг/га меъёрда SPERSAL қўллаш ва ЧДНС га нисбатан 70–70–60 % тартибда 25-50 фоизга юқори меъёрларида суғорилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, битта кўсак вазни 5,3 – 5,5 граммни ташкил этганлиги ва пахта ҳосили эса 13 – 15 ц/га юқори бўлганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг Халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинганлиги ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган маҳаллий ва хорижий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шўрланган, оғир механик таркибли тақирсимон тупроқлар шароитида тупроқ сув-туз тартибини ростлаш мақсадида қўлланилган SPERSAL кимёвий мелиорантининг самарадорлиги ва қўллаш миқдори ҳамда унга мос келувчи ғўзанинг мақбул суғориш меъёрларини белгилаш, қўлланилган усулларнинг ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги юқори бўлиши илмий таҳлиллар асосида исботланганлиги ҳамда олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилинганда ўз тасдиғини топганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қарши чўлининг оғир механик таркибли тақирсимон тупроқлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида кимёвий мелиорантни қўллаш, мақбул суғориш меъерини белгилаш, тупроқнинг сув-физик хоссаларини яхшилаш, ҳисобий қатламдаги зарарли тузлар миқдорини камайтириш, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш, пировард натижада юқори, таннархи арзон ҳосил олиниб, хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлиги ошишига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўртача шўрланган, оғир

механик таркибли тақирсимон тупроқлар шароитида тупроқ сув-туз тартибини ростлаш мақсадида қўлланилган SPERSAL кимёвий мелиорантининг самарадорлиги ҳамда унга мос келувчи ғўзанинг мақбул суғориш меъёрларини ўрнатиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича “Қашқадарё вилоятида янги кимёвий препаратларни қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3-декабрдаги 02/25-4662-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалик бошқармалари ва фермер хўжаликлари учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

SPERSAL кимёвий мелиоранти Қашқадарё вилоятининг Касби тумани “Чиллабулоқ” СИУ га қарашли “Маҳмудов Алпомиш” фермер хўжалигининг 5 га майдонида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3-декабрдаги 02/25-4662-сон маълумотномаси). Натижада SPERSAL препарати қўлланилганда тупроқ таркибидаги тузларнинг умумий миқдори 2,47 мартага, ғўзанинг ўсиши учун ўта зарарли ҳисобланган тупроқ таркибидаги тузлардан $MgSO_4$ миқдори 4,0 баробар, $NaSO_4$ миқдори 1,23 баробар ва $NaCl$ миқдори 2,61 баробарга камайганлиги лаборатория таҳлили асосида аниқланган. Ҳосилдорлик назорат вариантыга нисбатан гектарига 6,1 ц/га ортган, сув сарфи 26,6 м³/ц га камайиб, рентабеллик даражаси эса 22,3% ни ташкил этган;

SPERSAL препарати Қашқадарё вилояти Миришкор туманининг оғир механик таркибли, ўртача шўрланган тупроқлари шароитида 2019 йилда “Миришкор чашмаси” номли СИУ га қарашли “Умидуллаев Шамшодбек” фермер хўжалигининг “Бухоро-6” ғўза нави экилган 6 (олти) гектар майдонида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 3-декабрдаги 02/25-4662-сонли маълумотномаси). SPERSAL препарати биринчи суғориш олдида гектарига 5 килограмм меъёрда тупроққа қўлланилганда ғўза 4 марта намлик ЧДНС га нисбатан 70-70-60% тартибда 50 фоизга оширилган меъёрларда суғориш натижада, тупроқ таркибидаги умумий тузлар миқдори 2,36 мартага, ўта зарарли ҳисобланган $MgSO_4$ миқдори 3,35 баробар, $NaSO_4$ миқдори, 12 баробар ва $NaCl$ миқдори 2,45 баробар камайгани аниқланган. Ҳосилдорлик назорат вариантыга нисбатан 5,8 ц/га ортди, сув сарфи 28,5 м³/ц га камайди ва рентабеллик даражаси 23,3% га етган. Кучли ва ўртача шўрланган тақирсимон тупроқлар шароитида ерга 5 кг/га SPERSAL қўлланилиб, намлик ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда 25-50% га оширилган суғориш меъёри билан суғорилганда назорат вариантыга нисбатан битта суғоришни тежашга ва тупроқдаги тузлар миқдорини камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Илмий тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро миқёсдаги илмий – амалий анжуманларда жами 9 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва биттаси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот ишидан олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, унинг апробацияси, нашр этилган мақола ва материаллар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи бўйича республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири – ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартиби ва уни амалга оширадиган суғориш техникаси элементлари, ер устидан суғоришнинг тежамкор технологиялари, уларнинг дарё сувларини иқтисод қилиши, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озик тартибларига ҳамда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олимларнинг ишлари таҳлил қилинган.

Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида Қарши чўлининг ўртача шўрланган сахро-бўз, оғир қумоқ ва тақирсимон туроқлари шароитида кимёвий мелиорантлардан фойдаланиш, ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ва уларни амалга оширувчи ер устидан суғориш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий – тадқиқот ишлари етарли эмаслиги, сизот сувлари 2,0 – 3,0 метрда жойланган, шўрланган ва тақирсимон тупроқлар шароитида ғўзани етиштиришда илмий асосланган суғориш тартибларини, ер устидан суғориш техникасининг юқоридаги шароитга мос технологиялари самарадорлигини ўрганиш, чигит экишда плёнкадан фойдаланиш ва тупроқдаги тузлар миқдори пасайтиришда SPERSAL препаратидан фойдаланиш, иқлим ўзгариши ва тобора ортиб бораётган сув танқислиги шароитида долзарб масала эканлиги ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг “**Қашқадарё вилоятининг табиий ва хўжалик шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида Қарши туманининг географик

ўрни, рельефи, иклим шароити, геоморфологик ва литологик шароити, тупроқ-мелиоратив ҳолати, тажриба ҳудуди ва Қарши чўлининг жанубий-ғарбий қисми мелиоратив кўрсаткичлари ўртасидаги мутаносиблик белгилари бўйича таҳлиллар келтирилган. Қарши метеостанцияси маълумотларига кўра тадқиқот ўтказилган вақт давомида иклим кўрсаткичлари ўртача кўп йиллик миқдорида нисбатан ҳаво ҳароратида 0,51 – 0,79°C, нисбий намликда 0,75 – 2,83%, ингарчилик миқдорида 0,01 – 6,65 мм, шамол тезлигида эса 0,07 – 0,51 м/с миқдорида фарқ кузатилган. Кузатиш муддати давомида ёгингарчилик миқдори 253 – 332,5 мм, ҳавонинг нисбий намлиги 54,5 – 56,7 %, бўлиб шамол фаолияти нисбатан барқарор бўлди ва унинг тезлиги 2,76 – 2,84 м/с ни ташкил этди. Ҳаво ҳароратининг ўртача ойлик миқдори 16,6°C – 16,9 °C бўлиб, ўртача йиллик миқдори эса 16,09 °C, яъни +0,5 ва +0,89 °C бўлиши кузатилган.

Қарши чўлининг жанубий-ғарбий қисми мелиоратив кўрсаткичлари ўртасидаги мутаносиблик (репрезентативлик) белгилари бўйича В.В. Шабанов ва Е.Н.Рудаченколар таклиф этган услуб ёрдамида тажриба участкасининг тупроқ-агрофизик, агрохимик, агротехник кўрсаткичлари жиҳатдан иккита объектни таққослаш орқали амалга оширилган таҳлиллар келтирилган. Қарши чўлининг бўз тақирсимон тупроқлари нисбатан катта майдонни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудда сизот сувлари сатҳи 2,0 – 3,0 метр бўлган шароитда тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқдаги ошиқча тузларни кетказиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехикасини тўғри ташкил этиш, суғоришнинг оптимал меъёрларини белгилаш, тупроқни шўрлантантиришга қаратилган мелиоратив намлик режимини ҳосил қилиш каби тадбирларни амалга ошириш орқали унинг унумдорлигини ошириш ва экинлардан режадаги ҳосилни олиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконияти мавжудлиги ҳақида ҳулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотлар ўтказиш объекти, тизими, услублари ва агротехник тадбирлар таснифи”** деб номланган учинчи бобида дала тажрибалари ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш тизими ва услублари келтирилган.

Дала тажрибалари 2008 – 2010 йиллар давомида дастур асосида Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига қарашли “Насаф” хўжалигининг сахро-бўз тупроқли тақирсимон, механик таркибига кўра оғир, шўрланган, сизот сувлари сатҳи 2,0 – 3,0 метрда жойлашган ерларда олиб борилгани баён этилган.

Диссертация мавзуси бўйича қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйида келтирилган вариантлар асосида дала тажрибалари ўтказилган:

1. Оддий усулда чигит экиш, намлик танқислиги бўйича эгатлаб суғориш (назорат).
2. Плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибда эгатлаб суғориш.
3. Тупроққа кимёвий мелиорант (5 кг/га) қўллаш, плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда эгатлаб суғориш.
4. Плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибда 25 % кам меъёр билан суғориш.

5. Плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибида 25 % ортиқ меъёр билан суғориш.

6. Тупроққа кимёвий мелиорант (5 кг/га) қўллаш, плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибида 25 % ортиқ меъёр билан суғориш.

7. Плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибида 50 % ортиқ меъёр билан суғориш.

8. Тупроққа кимёвий мелиорант (5 кг/га) қўллаш, плёнка остига чигит экиш, ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибида 50 % ортиқ меъёр билан суғориш.

Кичик майдончали (майдончалар ўлчами 1440 м²), нишаблиги 0,002 ва эгатлар оралиғи 0,9 м бўлган тажриба участкаси танланган бўлиб, у чуқурлиги 2,2 – 2,5 м бўлган очик зовур билан туташган. Қайтариқлар сони 4 тани ташкил этган.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги ҳисоблаш, аниқлаш ва кузатиш ишлари бажарилган: морфологик белгилари ва генетик горизонтлар бўйича тупроқ кесмасини тавсифлаш; тупроқ механик таркиби, ҳажмий ва солиштира оғирлиги; сув шимувчанлиги, энг кичик сув сиғими; намликнинг капилляр кўтарилиш баландлиги; тупроқдаги гумус, ялпи ва ҳаракатланувчи азот, фосфор ва калий миқдорлари; тупроқ, суғориш суви, дренаж ва сизот сувлари таркибидаги сувда эрийдиган тузлар миқдорини аниқлаш; тупроқдаги намлик динамикасини ўрганиш; тажриба участкасига берилаётган шўр ювиш ва суғориш учун бериладиган сув ҳисобини юритиш; ғўзанинг ўсиши, ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар олиб бориш ва пахта ҳосилдорлиги ҳисоби. Ғўза ҳосилдорлиги бўйича қўлланилган вариантлар асосида уларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Юқорида қайд этилган аниқлашлар, кузатувлар ва лаборатория таҳлилларини ташкил этиш ва бажаришда мелиорация ва суғорма деҳқончилик бўйича аксарият илмий – тадқиқот ишларини бажаришда қўлланиладиган ПСУЕАТИ, ИСМИТИ, ТИҚХММИ услубларидан фойдаланилган.

Тажриба даласида ғўзанинг “Бухоро-6” нави экилган бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибда олиб борилган. Ғўзанинг ўсиши, ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар ва пахта ҳосилдорлиги ҳисоби Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы проведения опытов с хлопчатником” (Ташкент, 1983) қўлланмаси асосида олиб борилган. Тупроқнинг морфологик белгилари ва генетик горизонтлар бўйича тупроқ кесмаси С.А.Захаров таснифи бўйича тавсифланган, тупроқнинг механик таркиби, ҳажмий массаси ва солиштира оғирлиги Н.А.Качинский-нинг цилиндр усулида аниқланган. Тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцеванинг такомиллашган усулларида, нитратли азот миқдори Грандваль-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган. Тупроқ сув шимувчанлиги, энг кичик сув сиғими, намликнинг капилляр кўтарилиш баландлиги, тупроқ, суғориш суви, дренаж ва сизот сувлари таркибидаги сувда эрийдиган тузлар миқдорини аниқлаш, тупроқдаги намлик динамикасини ўрганиш, тажриба участкасига берилаётган

шўр ювиш ва суғориш сув ҳисобини юритиш, пахта ҳосилдорлиги, қўлланилган вариантларнинг иқтисодий самарадорлиги “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2017) қўлланмаси асосида аниқланган. Шўрланган ерларда суғориш техникаси ва технологиясини ўрганиш услубиёти Н.Т. Лактаев томонидан намланиш эпюрасини ҳисобга олган ҳолда ва эгат узунлиги бўйлаб бўладиган сув нобудгарчилигини минимумга тушириб, суғориш техникасининг нисбатан юқори ФИК га эришишни таъминлайдиган суғориш техникасининг оптимал параметрларини ўрнатиш имконини берадиган графо – аналитик усулдан фойдаланилганлиги баён қилинган.

Мелиоратив жиҳатдан ноқулай бўлган ерларда эгатлаб суғориш техникасини ўрнатишда эгат кўндаланг кесимининг ўзгариши ва унинг эгат сув ўтказиш қобилиятига таъсирини аниқлашда С.М.Кривовяз, А.К.Мухамедов тавсияларидан фойдаланилган.

Тупроқ намлиги буғланишини аниқлаш услуби Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти ҳудудида ўрнатилган лизиметрлар мажмуаси кузатувлари ва ЎзПИТИ Қашқадарё филиали маълумотларига асосан тупроқ механик таркибига боғлиқ равишда тупроқ юзасидан бўладиган буғланиш миқдори 85 – 132 м³/га ни ташкил этган. Тажриба даласида қўлланилган агротехник тадбирлар ПСУЕАТИ ва унинг Қашқадарё филиалида ишлаб чиқилган илмий асосланган деҳқончилик тизими асосида олиб борилган.

Тажрибанинг дастлабки йилида дала тажрибалари асосида SPERSAL препаратини тупроққа солишнинг оптимал меъёри аниқланган.

Диссертациянинг **“SPERSAL препаратини қўллашнинг тупроқ хусусиятлари, суғориш технологияси ва ғўза ривожланишига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида тажриба участкасининг тупроқ-мелиоратив шароитлари келтирилган. Унда ҳудуднинг тупроқлари сахро-бўз тупроқлар зонасида тарқалганлиги боис, асосан суғориладиган оч тусли бўз, автоморф ва ярим гидроморф сув тартибидаги айирмалардан иборат бўлиб, бу тупроқлар тарқалган ҳудудлар учун ўзига хос хусусиятлар – шамол ва сув эрозияси ҳамда шўрланиш жараёнларига мойиллиги, чиринди (гумус) ва бошқа озика моддаларининг камлиги, уларнинг ҳаракатчан шакллари билан кам таъминланганлиги, грунт сувларининг сатҳи нисбатан яқинлиги (2,0 – 2,5 м) билан характерланиши баён қилинган.

Н.А. Качинский классификацияси бўйича ҳудуд тупроқлари таркибида 44,8 – 57,5 % физик гилдан иборат бўлган оғир соз тупроқлар қаторига мансублиги аниқланган. Тадқиқот маълумотларига кўра, 0 – 130 см тупроқ ҳайлов қатлами асосан иккита тупроқ айирмаси кузатилади, 0 – 80 сантиметр-дан кейин физик гил миқдори ошиб боради. Тупроқ ҳайдов қатлами гумус миқдори, ҳаракатчан ва алмашинувчи озика элементлари миқдорига кўра кам ва ўртача таъминланган тупроқлар тоифасига тааллуқлидир. Маълумотлардан кўринадикки, гумус миқдори 0,75 – 0,87%, ялпи азот, фосфор ва калий миқдори тегишлича 0,40 – 0,54%, 0,12 – 0,15 %, ва 0,20 – 0,26% ни ташкил этади. Юқори бир метрлик қатламда куруқ тупроқ массасига нисбатан ўртача ҳажмий оғирлиги 1,46 г/см³, солиштирма оғирлиги – 2,68 г/см³, ғоваклик – 45,2 %, чегаравий дала нам сифими – 21,5 фоизнит ашқил этиши кўрсатилган.

Халқаро ва маҳаллий амалиётда тупроқдаги тузлар миқдори, унинг сифат кўрсаткичи ва экинга таъсир этиш хавфлилигига кўра тавсифланиши, яъни Cl нинг SO_4 га нисбати 0,33 – тупроқ хлор-сульфатли шўрланиш типига мансублиги; 0 – 100 см қатламдаги хлор миқдори 0,058 % ва куруқ қолдиқ миқдори 0,362 %, тажриба участкаси тупроқлари ўртача шўрланган тупроқлардан иборатлиги; тупроқ сингдириш мажмуидаги алмашинувчан натрий миқдори 7,86 % тупроқнинг кам шуртоблигидан далолат бериши; ион алмашинув коэффиценти 0,06 бўлиб тупроқ суғориш учун яроқли ҳисобланиши; натрийнинг потенциал адсорбция коэффиценти (SAR) миқдорига кўра участка тупроқларида суғориш натижасида шўртобланишга мойиллик мавжудлиги келтирилган. Натрий ва магний нисбати 0,028 бўлиб, тупроқда магнийли шўрланиш хавфи кузатилиши мумкинлиги; ўсимлик учун зарарли тузларнинг умумий миқдори 0,253 %, тупроқлар кучли даражада шўрланган тупроқ тоифасига мансублиги кўрсатилган.

Тажрибанинг дастлабки йили вегетация бошида сизот сувлари сатҳи ер юзасидан 2,15 м чуқурликда, минерализацияси куруқ қолдиқ бўйича 5 – 6 г/л ни ташкил этиши келтирилган. Шўр ювиш ва амал давридаги суғоришлар натижасида сизот сувлари сатҳининг 1,55 метргача кўтарилиши ва минерализациясининг 3,2 – 3,5 г/л гача ошганлиги кузатилган.

Қарши чўли шароитида муаллиф томонидан биринчи марта тупроқ илдиз қатламидаги туз концентрациясини камайтириш мақсадида кимёвий десоленизатор ҳисобланган SPERSAL препаратидан фойдаланилган.

Эгат устига плёнка тўшаш орқали унинг тагида маълум намликни ушлаш, тупроқ намлиги буғланишини камайтириш ва юқори қатлам намлигини ошириш, шу билан бирга тупроқ туз эритмаси концентрациясини пасайтириш имкониятлари тадқиқ қилинган. Бу эса ўз навбатида тузларнинг экин илдиз тизимига таъсирини камайтириб, экинларнинг стресс ҳолатини пасайтириши асосланган.

Диссертациянинг **”Ўза парваришида SPERSAL препарати қўллаш орқали эгатлаб суғориш технологиясининг тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири”** номли бўлимида тадқиқотлар натижаларига асосланиб Бухоро-6 навли ўзанинг ривожланиш фазалари бўйича тупроқда суғориш олди намликни ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % ушлаб турган ҳолда мақбул суғориш тартиби таъминланишига қарамадан сувнинг тупроққа шимилиш параметрларида биринчи ва иккинчи суғоришлар оралиғида маълум ўзгаришлар кузатилганлиги аниқланган. Яъни ЧДНСга нисбатан суғорилган 2 - вариантда ва бир хил тартибда суғорилиб, қўшимча 5 л/га миқдорда SPERSAL препарати сепилган вариантларда $K_{барк}$ нинг ўзгариши бир хил –0,0001 га тенг бўлгани кузатилган. Суғориш меъёрини 25% камайтириб суғорилган 4-вариантда $K_{барк}$ нинг қиймати ўзгармагани аниқланган.

Суғориш меъёрини 25 % фоизга ошириб суғорилган 5-вариантда ва қўшимча SPERSAL препарати қўлланилган 6-вариантда $K_{барк}$ нинг фарқи мос равишда -0,0003 ва 0,0002 қийматларга ўзгариши маълум бўлган. Бу ерда: $K_{барк}$ нинг ўзгариши SPERSAL препаратининг тупроқ диспергациясига сабаб бўлиши ва суғориш меъёри таъсирини боғлиқ; $K_{барк}$ нинг суғоришдан суғоришгача бўлган

даврда камайиши тупроқ зичлашуви ва культивация қилинмаслиги оқибатидир; "α" даражасининг ортишига Амударё суви таркибида 4,6 г/л гача лойқа мавжудлиги ва ҳайдов қатламининг зичлашуви сабаб бўлган; "в" нинг ўзгариши тупроқда суғоришлар оралиғида суффоцион жараённинг кечиши оқибатидир.

Диссертациянинг **“SPERSAL препаратини қўлланилиши ғўзанинг суғориш тартибига таъсири”** деб номланган бўлимида тажрибанинг барча вариантларида ғўзани (Бухоро-6 нави) тупроқ ҳисобий қатламидаги суғориш олди намлик миқдори ПСУЕАТИ Қашқадарё филиали томонидан тавсия этилган ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % атрофида суғориш амалга оширилган. Кузатишлар оралиқ вақти йўл қўйиладиган хатолик даражасида ҳўжаликда қабул қилинганга нисбатан 2 – 3% фарқ билан суғориш муддатини белгилаш имконини берган.

Суғориш тупроқ намлик танқислигига кўра амалга оширилган назорат вариантыда тадқиқотлар давомида мавсумий суғориш меъёри 6370 – 7190 м³/га ни ташкил этган. Таъкидлаш лозимки, 2009 йилдаги нисбатан кам суғориш меъёри ҳаво ҳароратининг нисбатан паст бўлиши оқибатида пахта даласидаги умумий буғланишнинг бир мунча кам бўлиши билан изоҳланади. Бу вариантда суғориш тизими 1 – 4 – 1 бўлиб, суғоришлар оралиғи эса 17 – 21 (2008) дан 20 – 30 (2010) кунгача бўлган (1-жадвал).

Чигитни плёнка остига экиб ва суғоришлар тупроқдаги намлик ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибга кўра амалга оширилган 2-вариантда мавсумий суғориш меъёри 3 йил ичида ўртача 6137 м³/га, ёки назорат вариантыга нисбатан 750 м³/га кам бўлган. Шунга қарамадан суғоришлар ораси давомийлиги 1-вариант билан бир хил бўлган. Бундан кўринадики, плёнка қопланган шароитда суғориш натижасида илдиз қатламида ҳосил қилинган намлик кўпроқ сақланганлиги, тупроқ юзасидаги буғланиш миқдори камайиши кузатилган. Бу вариантда суғориш 1 – 3 – 1 схемасида, яъни назоратга нисбатан бир марта кам сув берилган.

Тупроққа 5 кг/га миқдорида SPERSAL кимёвий мелиоранти қўлланилган 3-вариантда ҳам юқоридаги вариантлардагидек суғориш тартиби ушлаб турилган, эгат устига плёнка тўшалган ва суғориш ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибида амалга оширилган. Кузатишлар натижасида тупроқ намлик танқислигига нисбатан 25% кам меъёр билан суғорилган 4- плёнка тўшалишига қарамадан плёнка тўшалган ва тупроқ намлик танқислигига кўра суғорилган 2-вариантга нисбатан суғоришлар сони биттага ошганлиги ва суғоришлар орасидаги муддат 3 – 5 кунга қисқариши аниқланган (1-жадвал).

Маълумотлар таҳлилига асосланиб, эгатга плёнка тўшаб тупроқ намлик ЧДНС га нисбатан 25% ортиқ меъёр билан (5-вариант), тупроққа SPERSAL кимёвий мелиоранти солинган (6-вариант) шароитда ғўза суғориш тартибининг асосий кўрсаткичлари (мавсумий суғориш меъёри, суғориш схемаси, суғоришлар орасидаги вақт) бир хиллиги кузатилган. Синаб кўрилган вариантлардан эгатга плёнка тўшалиб, тупроқ ЧДНС га нисбатан 50 фоиздан ортиқ меъёр билан ва 5 кг/га миқдорда SPERSAL кимёвий мелиоранти қўлланилган 7 ва 8- вариантларда энг яхши кўрсаткичларга эришилган. Бу вариантларда берилган (70 – 70 – 60 % ЧДНС) суғориш олди намлиги ва 1 – 2 – 1

тизимдаги 4 та суғориш давомида масумий суғориш меъёри назоратга нисбатан 2009 йилда 590 м³/га, 2010 йилда эса 880 м³/га кам бўлган. Суғоришлар орасидаги давр 2008 йилда 27 – 31 кун, 2010 йилда эса 32 – 40 кунни ташкил этиши баён қилинган.

1 – жадвал

Тажриба вариантлари бўйича ғўзани суғориш тартиби жадвали

Вариантлар	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га			Ўртача, м ³ /га	Суғоришлар оралиғи, кун		
	2008	2009	2010		2008	2009	2010
1	7100	6370	7190	6887	17-21	20-27	20-30
2	6230	5670	6510	6137	17-21	20-27	20-30
3	6230	5670	6510	6137	17-21	20-27	20-30
4	5930	5220	5830	5660	15-17	18-19	19-23
5	6960	6220	6760	6647	21-28	26-29	26-35
6	6960	6220	6760	6647	21-28	26-29	26-35
7	6330	5780	6310	6290	27-31	32-36	26-35
8	6330	5780	6310	6290	27-31	32-36	32-40

Диссертациянинг “**Ғўза парваришида SPERSAL препаратини қўллаш ва эгатлаб суғориш технологиясининг тупроқ шўрланишига таъсири**” номли бўлимида тажриба вариантларидаги тупроқ - туз тартибининг ўзгариши 2-жадвал маълумотларида келтирилган. Таҳлиллар натижаларига кўра суғориш меъёри ЧДНС га нисбатан 70 – 70 – 60 % тартибда 25 ва 50 фоизга кўп сув берилган ва суғоришдан олдин SPERSAL препарати қўлланилган барча вариантларда амал даврининг охирига бориб тупроқдаги тузлар миқдори камайганлиги кузатилган. Энг самарали деб 5, 6, 7, 8 - вариантлар топилган, аммо улар орасида суғоришнинг шўр ювадиган тартиби ва SPERSAL препарати қўлланилган 7 ва 8 вариантлар алоҳида ажралиб турган. Амал даври охирига келиб унинг бошланишига нисбатан назорат вариантыда тупроқнинг 0 – 100 см қатламидаги тузлар миқдори қаттиқ қолдиқ бўйича 1,3 марта, хлор-ион бўйича 1,41 марта, натрий бўйича эса 1,1 марта камайганлигини кузатиш мумкин. Таққослаш даврида 7 ва 8 вариантларда тузлар умумий миқдори 2,4 – 2,5 марта, хлор-ион 2,3 – 2,6 марта, натрий ва калий миқдори 0,83 – 1,81 марта камайганлиги кузатилган. Тузларнинг гипотетик таркиби ҳисоби бўйича кўриб чиқиладиган даврдаги улар миқдорининг ўзгариши қуйидагиларни кўрсатади. Ўрганиладиган тупроқ қатламида сувда эрувчи тузлар қуйидагича камайиш тартибида жойлашган: CaSO₄, NaCl, Na₂SO₄, MgSO₄ ва Ca(HCO₃)₂, тупроқда MgCl₂. Вегетация даврида деярли барча вариантларда сувда эрувчи тузларнинг камайганлиги қайд этилган. 1 ва 2 вариантлардаги Na₂SO₄ миқдорининг 1,3 ва 1,8 марта ошганлиги бундан мустасно. Ca(HCO₃)₂ ва Na₂SO₄ миқдорларида жуда кам ўзгариш кузатилган. 5, 6, 7 ва 8- вариантлар тупроқларида CaSO₄ миқдори тегишлича 2,3; 3,6; 3,7 ва 3,9 марта камайган; MgSO₄ – 2, 3; 4,4 ва 4 марта, NaCl – 2,2; 2,3; 2,3 ва 2,6 марта камайиши кузатилган.

